


ЖИНОЯТ МУҲОКАМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Қумқўрғон тумани 1-сектор ҳудудидаги Янгиер маҳалласида кенг жамоатчилик иштирокида жиноят муҳокамаси бўлиб ўтди.

Сурхондарё вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ш.Шодиев, туман ҳокими Р.Гаппаров, туман прокурори Ш.Акрамов, туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари майёр М.Ражабовлар иштирок этишди.

Муҳокамада оила ва маҳалладаги ижобий муҳитни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳар бир оилада тарғибот ишларини кучайтириб, мунтазам равишда фуқароларни ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга

эътибор қаратилди.